

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**196 Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) ва 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 587-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 17 августдаги 64, 2010-34-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хиз-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

мат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2134, 2010 й., 18 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 284-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 10 августдаги 49, 2011-26-сон «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2134-1, 2011 йил 23 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 355-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 17, 2012-4-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2134-2, 2012 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 10-сон, 112-модда).

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2013 йил 28 февраль,  
20-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2013 йил 28 февраль,  
2013-10-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2013 йил 28 февралдаги  
20, 2013-10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши  
муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан  
ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) ва 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 587-модда) қарорларига мувофиқ, ягона солиқ тўлови (бундан буён матнда ЯСТ деб юритилади)нинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ЯСТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Чакана савдо корхоналари ЯСТни қонун ҳужжатларига мувофиқ, лекин айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар. Бунда чакана савдо корхоналари деганда, ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури чакана савдо бўлган юридик шахслар тушунилади.

2. Мазкур Низом:

ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари томонидан реализация қилинадиган товарларнинг чакана савдоси бўлган;

ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**II боб. ЯСТнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати  
билан ЯСТни ҳисоблаш ва тўлаш**

3. Тўловчилар ЯСТнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммасини аниқлаш учун:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

ЯСТнинг энг кам миқдори;

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси;

ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасини ҳисоблаб чиқарадилар.

4. ЯСТнинг энг кам миқдори чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган ставка бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб аниқланади ҳамда ҳисобот чорагидаги қатъий белгиланган солиқ суммаларини қўшиш орқали чорак учун ҳисоблаб чиқарилади.

5. Ҳисобланган ЯСТ суммасини ЯСТнинг энг кам миқдори билан солиштириш учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси бутун чакана савдо корхонаси бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловининг маълумотнома-ҳисоб-китоби (бундан буён матнда Маълумотнома-ҳисоб-китоб деб юритилади) асосида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{ҲСяст} = \text{ССЯТ} \times \text{С}, \text{ бунда:}$$

ҲСяст — ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси;

ССЯТ — ЯСТ бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолдаги ҳисобот чораги учун солиқ солинадиган ялпи тушум (ЯСТ ҳисоб-китобининг «040»-сатри маълумотлари асосида);

С — ЯСТнинг ўрнатилган ставкаси.

6. Агар ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдори суммасидан кам бўлса, ЯСТ қўшимча ҳисобланади. Бунда ЯСТнинг энг кам миқдори суммасининг ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммасидан ортган қисми ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТ суммасига қўшимча ҳисобланади.

Агар ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдорига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, унда ЯСТ қўшимча ҳисобланмайди ва ЯСТ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) белгиланган тартибда тўланиши лозим, яъни ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган сумма тўланади.

Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи чакана савдо корхонаси 2013 йилнинг биринчи чораги учун ЯСТни 4% ставка бўйича ҳисоблаётган бўлсин. Мазкур корхона солиқ имтиёзларига эга эмас. Ушбу ҳолатда ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ва ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЯСТ суммаси бир-бирига тенг бўлади. Агар мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдоридан, яъни 2013 йилнинг биринчи чораги учун энг кам иш ҳақининг (бундан буён матнда ЭКИХ деб юритилади) 30 бараваридан (Тошкент шаҳрида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ойига ЭКИХнинг 10 баравари миқдоридан белгиланган) кам бўлса, у ҳолда ЯСТ ҳисобот чораги учун ЭКИХнинг 30 баравари миқдоридан тўланади. Агар ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТ-

нинг энг кам миқдорига (ЭКИХнинг 30 бараварига) тенг ёки ундан ортик бўлса, у холда ЯСТ ўрнатилган 4% ставка бўйича тўланади.

7. Агар чакана савдо корхонаси бир нечта турғун савдо шохобчаларига эга бўлса, ЯСТ ҳар бир турғун савдо шохобчаси учун ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган холда тўланади. Бунда ЯСТнинг энг кам миқдори турғун савдо шохобчаси жойлашган жойда чакана савдони амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан холда ҳисобланади.

Масалан, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи чакана савдо корхонаси иккита турғун савдо шохобчаларига эга бўлсин. Улардан бири Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда худди шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ойига ЭКИХнинг 10 баравари миқдорида, иккинчиси эса, Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда қатъий белгиланган солиқ ставкаси ойига ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида белгиланган. Шундай қилиб, мазкур чакана савдо корхонаси учун ЯСТнинг энг кам миқдори бутун чакана савдо корхонаси бўйича ойига ЭКИХнинг 13 бараварини ёки ҳисобот чораги учун ЭКИХнинг 39 бараварини ташкил этади.

Чакана савдо корхоналари солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ ҳисоботлари тақдим этиладиган муддатларда мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Турғун савдо шохобчалари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади. Ушбу маълумот бир марта тақдим этилади, мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Турғун савдо шохобчалари тўғрисида аввал тақдим этилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, чакана савдо корхонаси ушбу маълумотни ўзгариш юз берган ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тақдим этади.

8. Ҳисобот чораги якунлари бўйича ташкилотнинг асосий фаолият тури чакана савдони амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдорида ЯСТнинг энг кам миқдори белгиланган чакана савдо бўлмаса, мазкур ташкилот ЯСТни Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2203, 2011 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 9-сон, 93-модда) мувофиқ тўлайди.

Бунда қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммасининг ўсиб боровчи якуни олдинги ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасига тенг деб қабул қилинади.

9. ЯСТ ҳисоб-китобига мазкур Низом татбиқ этиладиган солиқ тўловчилар томонидан Маълумотнома-ҳисоб-китоб илова қилинади.

### III боб. Якуний қоидалар

10. Солиқ тўловчилар мазкур Низомнинг талабларини ҳисобга олган

ҳолда ЯСТни ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилигига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уни ўз вақтида тўлаш учун жавобгардир.

11. Давлат солиқ хизмати органлари ЯСТнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назоратни амалга оширади.

12. Мазкур Низомда назарда тутилган ЯСТни ҳисоблаб чиқариш тартибининг бузилганлик ҳолатлари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ЯСТнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисоблаган ҳолда ЯСТни қўшимча ҳисоблайди.

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши  
муносабати билан ягона солиқ тўловининг  
МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Жумладан, ЯСТ тўловчиси тўғрисидаги маълумотларда кўрсатилган фаолият турлари бўйича				
			1* асосий фаолият тури	2	3	4	5
1	2	3	4	5	6	7	8
Ҳисобот чораги учун солиқ солинадиган ялпи тушум (ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китобининг 040-сатри — олдинги ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китобининг 040-сатри)	010						
ЯСТнинг белгиланган ставкаси	020						
Ҳисобот чораги учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси (010-сатр x 020-сатр / 100)	030						
Қатъий белгиланган солиқнинг белгиланган ставкаси (энг кам иш ҳақига қаррали миқдорда)	040	x		x	x	x	x
Ҳисобот чораги учун ЯСТнинг энг кам миқдори	050		x	x	x	x	x
Ҳисобот чораги учун ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (050-сатр – 030-сатр)	060**		x	x	x	x	x
Олдинги ҳисобот даври учун ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (олдинги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 080-сатри)	070		x	x	x	x	x
Ҳисобот даври учун ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (060-сатр + 070-сатр)	080		x	x	x	x	x

\* Агар чакана савдо корхоналари ЯСТнинг турли ставкалари белгиланган турли аҳоли пунктларида жойлашган бир нечта турфун савдо шохобча-

ларига эга бўлса, унда Маълумотнома-ҳисоб-китобига асосий рақам белгилари устига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгиланадиган қўшимча устунлар (11, 12, 13 ва х. к.) киритилади.

\*\* Агар 3-устуннинг «030»-сатри 3-устуннинг «050»-сатридан катта ёки унга тенг бўлса, у холда «060»-сатрда «0» қиймат кўрсатилади.

Изоҳ: ҳисобот чораги учун ЯСТнинг энг кам миқдори чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан ва йил бошига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Агар чакана савдо корхоналари бир нечта турғун савдо шохобчаларига эга бўлса, ҳисобот даври учун ЯСТнинг энг кам миқдори, ҳисобот даври учун турғун савдо шохобчасининг жойлашган ери бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкаларини қўшиш орқали бутун корхона бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Рахбар

\_\_\_\_\_ (имзо)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў.

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Турғун савдо шохобчалари тўғрисида МАЪЛУМОТ

Т/р	Турғун савдо шохобчасининг номи	Турғун савдо шохобчасининг жойлашган ери

\_\_\_\_\_ (солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

га тақдим этилади

**Солиқ тўловчи тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи \_\_\_\_\_
2. Жойлашган ери \_\_\_\_\_
3. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
4. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
5. СТИР
6. ХХТУТ
7. Телефон: код       рақам

Кўрсатилган маълумотларнинг ишончли- лиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органининг масъул ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу маълумотлар (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>	
Ф.И.О. _____	
Имзо _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
СТИР <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>	Тақдим этилган сана <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
Ф.И.О. _____	(кун/ой/йил)
Имзо _____	Ф.И.О. _____
Сана <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>	Имзо _____
(кун/ой/йил)	

М.Ў.

Изоҳ: мазкур Маълумот рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига икки нусхада тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи маълумот олинганлиги тўғрисида белги қўяди ва унинг бир нусхасини ариза берувчига қайтариб беради.